

**INTERNATIONAL SCIENTIFIC-PRACTICAL CONFERENCE
ACTUAL ISSUES OF AGRICULTURAL DEVELOPMENT: PROBLEMS AND
SOLUTIONS
JUNE 6-7, 2023**

**ГЛОБАЛ СУВ ТАНҚИСЛИГИНИ ЙОШТАШДА БИОЛОГИК УСУЛЛАРДАН
ФОЙДАЛАНИШ
Ж.У. Абдуллаев**

ПСУЕАИТИ таянч докторанти, Тошкент

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8002512>

Аннотация. Уибу мақолада Қашқадарё вилоятининг ўтлоқилашиб бораётган тақирсимон тупроқлари шароитида кузги сидерат экинларини кўй масса ҳосилдорлиги, кузги сидерат экинларидан кейин ингичка толали гўзанинг сувга бўлган талаби, сугории муддаталари, давомийлиги, сони, сугории меъёри бўйича маълумотлар келтирилган

Калим сўзлар: ўтлоқилашиб бораётган тақирсимон тупроқлар, сидерат экинлар, хашаки кўй нўхат, жавдар, перко, ингичка толали гўза, сугоришлар сони, муддати, давомийлиги, сув сарфи.

Кириш. Халқимизда “Сув бу ҳаёт-сув олтиндан азиздир” деган ибора бежизга айтилмаган. Республиканиң жанубий минтақаларида сув тақчиллиги тоборо кучайиб бориши натижасида пахтачилик, ғаллачилик, мева сабзавотчилик, чорвачилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа муҳим тармоқлари жиддий муаммоларга дуч келмоқда. Дунёда рўй бераётган глобал иқлим ўзгаришлари негизида глобал сув танқислиги ортиб бораётганлиги мамлакатимизда ҳам сувдан тежамкорлик билан фойдаланиш, ҳар томчи сувни исроф қиласлик борасида бир қатор фармон ва қарорлар қабул қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-5742 сонли, 2022 йил 1 марта “Қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-144 сонли, 2022 йил 25 марта “Пахта майдонларида тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни ошириш, сугоришнинг янги технологияларини жорий этишни қўллаб қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-179-сонли ва бошқа қарорлари қабул қилиниб амалиётга кенг жорий этилмоқда.

Республикамиз миқёсида таҳлил қилинганда, Қашқадарё вилояти сув танқислигидан энг кўп азият чекадиган вилоятлардан бири ҳисобланади. Республикада жадал равишида сув тежовчи технологиялар жорий этиб келинмоқда. Аммо барча сугориладиган майдонларни сув тежовчи технологиялар билан қамраб олиш имконияти мавжуд эмас. Бунинг учун узоқ йиллар керак бўлади. Шу сабабли ҳам олимларимиз олдида турган асосий вазифалардан бири арzon, содда ва кейинчалик жорий этиш имконияти ўта юқори бўлган сувни тежашнинг алтернатив йўлларини излаш, ишлаб чиқиш долзарб масаладир. Бу борада қўплаб тадқиқотлар амалга оширилмоқда.

Қашқадараё вилоятининг ўтлоқилашиб бораётган тақирсимон тупроқлари шароитида сугориб дехқончилик қилинаётган майдонларида сугориш сувлари танқислиги билан бирга тупроқ унумдорлигини пасайиб кетиши ва тупроқнинг нам ушлаб туриш қобилиятни камайиб бораётганлиги ҳам хавф солмоқда. Глобал сув танқислигини юшташида сув тежовчи технологияларни қўллашдан ташқари биологик усуlda сув тежаш усулларини ҳам кенг жорий қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Ўсимликнинг усув даврида сувга бўлган талабини қондиришда тупроқда кўпроқ нам ушлаб турилиши муҳим аҳамиятга эга. Бунга эришиш учун албатта тупроқда чиринди миқдори юқори

**INTERNATIONAL SCIENTIFIC-PRACTICAL CONFERENCE
ACTUAL ISSUES OF AGRICULTURAL DEVELOPMENT: PROBLEMS AND
SOLUTIONS
JUNE 6-7, 2023**

бўлиши талаб этилади. Лекин чорвачилик тармоғини секин ривожланаётганлиги, махаллий гўнгни етишмаслиги, ҳамма жойда ҳам илмий асосланган алмашлаб экиш тизимларини жорий этилмаётганлиги тупроқларимизни унумдорлигини йилдан йилга пасайиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Хозирги кунда тупроқда чиринди миқдорини оширишнинг энг арzon, сифатли ва иқтисодий самарадор усулларидан бири ёзги ва кузги сидерат экинларини экиш ҳисобланади. **Сидерат экинлар ўзи нима?** Профессор И.Эрназаров фикрига кўра, оралиқ экинлар қўлланиш шаклига қараб турлича ном билан аталади. Кўкат ўғитлар сўзи қадим замонлардан буён маълум бўлиб, жуда ҳам кенг тарқалган. Кейинроқ кўкат ўғитлар сўзи “сидерат” номи билан алмаштирилган. Сидерация сўзи лотин тилидан олинган бўлиб, **сидериус**, яъни қуёш ёруғлик энергиясининг яшил ўсимлик массасига айланиши деган маънони билдирадива катта миқдорда тупроқда кўк масса тўплаш хусусиятига эга экинлар ҳисобланади.

Тадқиқот услубиёти Қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ва сифатли ҳосидорликка эришиш замирида парваришланаётган экин турининг биологик хусусият ва эҳтиёжига мос келадиган агротадбирларни қўллаш талаб этилади. Шундагина кутилган натижаларга эришиш имконияти кўпроқ бўлади. Тадқиқотлар Ўзбекистоннинг жанубий минтақаси Қашқадарё илмий тажриба станциясининг ўтлоқлашиб бораётган тақирсимон тупроқлари шароитида олиб борилди.

Тажриба даласи тупроғи тақирсимон, сизоб сувлар сатҳи 2,5-3,0 м чуқурлиқда жойлашган. Сидерат экинлардан хашаки кўк нўхат, жавдар, перко ўсимликлари октябр ойининг учинчи ўн кунлигига экилди.

Тажрибани қўйиш, оралиқ экинларнинг, шунингдек ғўзанинг ўсиши ва ривожланиши, фенологик кузатувлар, кўчат қалинлиги, ҳосилдорлик ва бошқа ҳисоблашлар каби тадқиқот ишлари ЎзПИТИ да ишлаб чиқилган «Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований поливных хлопковых районах» (СоюзНИХИ, 1973), «Методика полевых и вегетационных опытов с хлопчатником» (СоюзНИХИ, 1981), ва «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» (Тошкент 2007) услубий қўлланмасига риоя қилинган ҳолда амалга оширилди.

Тупроқнинг чекланган дала нам сигими 2x2 метр майдончаларни сувга тўлдириб, С.Н.Рыжов усулида, тупроқнинг ҳажм массаси Качинский, сув ўтказувчанлиги Долгов усулларида амал даври бошида умумий фонда ва амал даври охирида сугориш тартиблари бўйича аниқланди.

Тупроқ намликлари сидерат экинларни парваришлашнинг турли муддатларида олиниб, термостатда 6 соат 106°C да қуритилиб аниқланди.

Тадқиқот натижалари Кузги сидерат экинлардан хашаки кўк нўхат, жавдар, перко ўсимликлари турли компонентларда октябр ойининг учинчи ўн кунлигига экилиб, март ойининг охирги ўн кунлигига майдалаб, тўлиқлигича ерга ҳайдаб ташланди. Ўрим олдидан ўтказилган тадқиқотларда, ҳар хил агротехник тадбирлар қўллаб парваришланган сидерат экинлар турлича кўк масса тўплаганлиги аниқланди. Олинган маълумотларга қараганда, йиллик озиқлантириш месёри N₄₀P₇₀K₄₀ қўлланилиб хашаки кўк нўхат якка ҳолда экилганда умумий ер устки кўк массаси 159,4 ц/га ни, шундан анфиз қолдиги 26,6 ц/га ни ташкил этган бўлса, хашаки кўк нўхат+жавдар аралаш икки компонент сифатида экилганда умумий кўк масса ҳосили 396,6 ц/га ни, шундан хашаки кўк нўхатнинг хиссаси

**INTERNATIONAL SCIENTIFIC-PRACTICAL CONFERENCE
ACTUAL ISSUES OF AGRICULTURAL DEVELOPMENT: PROBLEMS AND
SOLUTIONS
JUNE 6-7, 2023**

120,0 ц/га, жавдарники эса 276,6 ц/га эканлиги ёки 1 компонентли варианта нисбатан жавдарнинг туплаши натижасида хашаки кўк нўхат 39,4 ц/га кам кўк масса тўплаган бўлсада, умумий кўк масса ҳосили 237,2 ц/га юқори бўлганлиги аниқланди.

Тажрибада уч компонентли сидерат экинлар (хашаки кўк нўхат+жавдар+перко) аралаш экилган вариантиларда перко ўсимлигининг юқори кўк масса тўплаш имконияти мавжудлиги кузатилди. Масалан хашаки кўк нўхат+жавдар+перко аралаш экилганда умумий 594,0 ц/га кўк масса (шундан 116,3 ц/га анфиз қолдиқлари) тўпланган бўлса, шундан хашаки кўк нўхатга 98,0 ц/га (16,5 %), жавдарга 176,7 ц/га (30,0 %), перкога 313,3 ц/га (53,5 %) кўк масса ҳиссаси тўғри келганлиги аниқланди.

Кузги сидерат экинларни 3 компонетли хашаки кўк нўхат+жавдар+перко аралаш экилганда юқори кўк масса ҳосили тўпланишига эришилиб (594,0-617,4 ц/га), 1 компонентлига нисбатан 434,6-446,8 ц/гача, 2 компонентлига нисбатан 197,4-208,2 ц/га ча юқори кўк масса ҳосили олиш имконияти мавжудлиги исботланди.

Ушбу кузги сидерат экинлар майдалаб шудгор қилиб ташлангандан сўнг, зудлик билан пушта олиниб, минтақага мос равишда экиш олди пуштани суғориш ишлари амалга оширилди. Ер етилгач экиш олди ишловлари ўтказилиб, ингичка толали ғўзанинг Сурхон-16 нави экилди. Ўсув даврида ингичка толали ғўза икки хил суғориш тартибида ЧДНСга нисбатан 65-65-60% ва 70-75-65% суғориш олди тупроқ намликларида суғорилди. Бунда ЧДНСга нисбатан 65-65-60% суғориш олди тупроқ намлигига сидерат экинлари экилмаган вариантдан кейин ғўза парваришланганда суғориш тизими 0-3-1 бўлиб, 4 марта суғорилди ва мавсумий суғориш меъёри 4320 м³/га ни ташкил этди. Худди шу суғориш тартибида сидерат экинларидан кейин ғўза парваришланганда суғориш тизими 0-2-1 бўлиб, 3 марта суғорилди ва сидерат экилмасдан ғўза парваришланган варианта солиширилганда суғоришлар сони 1 та га ва суғориш сувлари 1040 м³/га га тежалганлиги аниқланди. Худди шу каби ЧДНСга нисбатан 70-75-65% суғориш олди тупроқ намлигига сидератсиз ва сидератлардан кейин ғўза етиштирилганда ҳам суғоришлар сони сидератдан кейин ғўза экилганда 1та га кам бўлиши, суғориш сувлари эса 890 м³/га тежалишига эришилди. Бунда суғоришлар оралиғи сидерат экинларидан кейин ғўза етиштирилганда бирмунча узокроқ бўлиши, сидератлар тупроқда мулча сифатида намликни кўпроқ ушлаб туриши аниқланди. Бунинг натижасида сидератлардан кейин ғўза етиштирилганда суғоришлар оралиғи сидератсиз ғўза парваришланганда 5-6 кунга узокроқ бўлганлиги ва кейинчалик суғоришлар сони 1та га тежалганлиги аниқланди.

Хулоса

1. Қашқадарё вилоятининг ўтлоқилашиб бораётган тақирсимон тупроқлари шароитида кузги сидерат экинларини 3 компонетли хашаки кўк нўхат+жавдар+перко аралаш экилганда юқори кўк масса ҳосили тўпланишига эришилиб (594,0-617,4 ц/га), 1 компонентлига нисбатан 434,6-446,8 ц/гача, 2 компонентлига нисбатан 197,4-208,2 ц/га ча юқори кўк масса ҳосили олиш имконияти мавжудлиги исботланди.

2. Кузги сидерат экинларини тўплаган биомассаси ерга тўлиқлигича хайдаб юборилганда юқори ўсимлик массаси чиринди бўлиб, тупроқни соғломлаштирган ҳолда шу фонда парваришланган ингичка толали ғўзанинг суғоришлар сонини 1та га тежалишига имкон яратди. Бу эса ўз навбатида ғўзани суғориш сувларини мавсумда 15-20% гача иқтисод қилинишини таъминлади.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-5742 сонли фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 мартдаги “Қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-144 сонли қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 мартдаги “Пахта майдонларида тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни ошириш, суғоришнинг янги технологияларини жорий этишни қўллаб қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-179-сонли қарори.
4. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари. Тошкент-2007 йил.
5. Методика полевых и вегетационных опытов с хлопчатником. СоюзНИХИ, 1981 г.
6. Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах. СоюзНИХИ, 1973 г.
7. Эрназаров И. Пахтачиликда оралиқ экинлар. //Монография. - Ташкент “Мехнат” - 1988 й. -Б. 5-74.